
Обод маҳалла яшил маконсиз обод бўлмайди

"Чиркай" маҳалласида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари билан бирга "Яшил макон"лар ҳам жорий этилиб, янада кўркам тус олмоқда.

Маҳаллада хонадонларни ободонлаштириш, аҳолига қулай шароитлар яратиш, жумладан электр, ичимлик суви, газ таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим ва аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга қаратилган бир қатор амалий ишлар давом эттирилмоқда. Ушбу ишлар билан параллел равишда яшил боғлар, турли мевали ва манзарали дараҳт ва кўчатлар экиб борилмоқда.

Ана шу ишлар давоми сифатида янги қуриб битказилаётган маҳалла биноси қошида яшил боғ барпо этишга киришилди.

2023-10-30 17:00:05